

Бўстон туман мактабгача таълим бўлими

мудири в.в.б:  Н.Мирзакаримова

Бажарувчи ташкилотни танлаб лиш учун

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Бўстон тумани-2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни Андижон вилояти Бўстон туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги мактабгача таълим ташкилотларига матрас олиш тўғрисида.

1. Танлов иштирокчилари учун йўрикнома

2. Техник кисм

Танлов иштирокчилари учун йўрикнома

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети Андижон вилояти Бўстон туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги ташкилотларига матрас олиш.

1.1. Махсулот (иш, хизмат) бўйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник кисмда илова килинмаган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Махсулот етказиб бериш мuddati шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 календар куни.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Бўстон туман Мактабгача таълим бўлими

(бундан кейин-“Буюрма” деб аталади)-танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюрмачи” манзили Андижон вилояти Бўстон туман Маданият МФЙ Мустақиллик кўчаси 41-уй e-mail: Bo'stonMTB @inbox.uz

2.2. Танлов etender.uzex.uz платформасида электрон шаклда ўтказилади.

2.3. Танлов “Буюрмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

3.1. Танловда қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат махсулотлари етказиб берувчи ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) ни бажариш билан боғлик фаолияти конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафосида турганлар: озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштирмайдиган, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларни электрон куринишда (etender.uzex.uz) парталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириш лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга такифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига караб ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида кўйдагилар тақдим этилиши лозим:

Техник кисм “буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматилар кўрсатилиши лозим:

Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, етказиб бериш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошка боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин

-тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифларни тақдим этиш муддатини узайтиришга йўл кўйилмайди.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Иштирокчи ғолиб деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1.Давлат буюрмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Таворни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танлов таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камидан ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда қўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2.Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушинтириш талаби билан давлат буюрмачисига сўров юборишга хакли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюрмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачиси таклифлар бериш муддати тўгайдиган санадан камидан икки кун олдин келиб тушган бўлса, суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушинтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3.Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушинтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хакли. Давлат буюрмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда қўрсатилган шартлар асосида тузилади. *

Давлат харидлари бўйича хисобчи:

1 зине

Б.Обиддинов